

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!
Қадри дўстлар!
Аввало, Сизларни, бутун Ўзбекистон халқини 30 июль – Халқлар дўстлиги куни билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Кўп миллатли халқимизнинг муштараклик йилларида эришган энг катта бойликларидан бири – “Ўзбекистон – умумий уйимиз” деган шир остида мамлакатимизда миллатлараро дўстлик ва аҳилликни сақлаб олганимиз ҳисобланади, десак, адашмаган бўлаемиз.

Бизнинг барча ютуқларимиз – у ҳоҳ ташқи ёки ички сиёсатда бўладими, ҳоҳ иқтисодий ёки маданий-гуманитар соҳаларда бўладими – кўлга киритаётган муваффақиятларимиз замирида жамиятимиздаги оқилоллик ва тотувлик ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Халқимизда “Тинч элнинг боғи гуллар”, деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Мана шу тинчлик бор экан – тараққиёт мавжуд. Мана шу тотувлик бор экан – келажакимиз ҳам, албатта, ёрқин бўлади.

Барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз, ҳозирги глобаллашув даврида жаҳонда муросасиз рақобат, қуролли тўқнашувлар, мафкуравий низолар, аҳоли, айниқса, ёшларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун курашлар, терроризм, экстремизм, сепаратизм, одам савдоси каби таҳдидлар аёвсиз тус олмоқда.

Иқтисодий инқироз, айниқса, коронавирус пандемияси натижасида турли хавф-хатарлар тобора кучайиб, инсонлар ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик, раҳм-шафқат, меҳр-оқибат каби муқаддас қадриятларга раҳна солаётгани, табиийки, барчамизни ташвишга солади.

Мана шундай мураккаб замонда доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш, бебаҳо бойлигимиз бўлмиш барқарорликни сақлаш, жамиятимизда кўп миллатли катта ягона оила туйғусини кучайтириш қанчалик муҳим ва долзарб аҳамият касб этиб бораётганига ҳаммамиз гувоҳимиз.

Шу маънода, бу йил жонажон Ўзбекистонимизда иккинчи бор нишонланаётган Халқлар дўстлиги куни яхши анъанага айланиб, эл-юртимиз ўртасида ҳамжихатлик, ўзаро тотувликни таъминлаш ва дўстлик алоқаларини ривожлантиришда беқиёс ўрин тутди, деб ишонамиз.

Муҳтарам юртдошлар!
Бугунги кунда саховатли заминимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат ҳамда 16 та диний конфессия вакиллари аҳил-иноқ яшаб келмоқда, таълим 7 тилда – ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида олиб боришмоқда. Эътиборли жиҳати, қардош тилли мактабларда ўқиётган фарзандларимиз давлат ҳисобидан дарслик ва бадий адабиётлар билан тўлиқ таъминланмоқда.

Инсон қадрини улуғлашга қаратилган туб ислохотларимиз, хусусан, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида жамиятимизда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш вазифаси устувор мақсад сифатида белгиланган.

Барча ҳудудларимизда “Дўстлик уйлари” ташкил этилиб, уларнинг фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди ушбу хайрли режалар учун зарур маблағларни йўналтирмоқда, турли субсидия ва грантлар ажратилмоқда.

Миллий маданий марказларнинг моддий-техник базаси яхшиланиб, уларга давлат томонидан замонавий техник ускуналар, мебель жиҳозлари, миллий либослар тақдим этилмоқда.

Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатлар билан дўстона алоқалар қайта тикланиб, азалий ришталарнинг мустаҳкамлаши халқимизнинг хоҳиш-истаклари, орзуларини ўзида ифода этмоқда.

Биз ягона Ватан туйғусини асраб-авайлаш, ёш авлодни мана шу руҳда камол топтириш борасида самарали фаолият олиб бораётган Нодира Джанибекова, Нургул Базарбаева, Қалдибек Сейданов, Феруза Халдарова, Гулдана Аведурдиева, Фирдоуси Гусейнов, Сергей Миронов, Зиновий Новицкий, Умар Салманов, Галина Шин, Тамара Ақилова, Минсилу Кулиева, Лежим Ибрагимов, Вера Бабицкая ва бошқа турли миллат вакиллари номларини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламиз.

Бу йил ҳам юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ ватандошларимиз юксак унвон, орден ва медаллар билан тақдирландилар.

Фурсатдан фойдаланиб, муқофотланган юртдошларимизни ўз номидан, бутун халқимиз номидан табриклаб, уларга сиҳат-саломатлик, чексиз куч-ғайрат, оилавий бахт ва саодат тилайман.

Азиз дўстлар!
Бу йилги байрамда ҳам сизларни қизиқарли кўргазмалар, мулоқотлар, ижодий фестиваллар, концертлар, форумлар, анжуманлар, дўстлар дийдори кутмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда асрлар давомида шаклланган миллат ва элатлар ўртасидаги дўстлик ва қардошлик, ўзаро меҳр-оқибат, тинчлик ва барқарорлик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонаман.

Барчамиз учун Ватан битта. Биз – Ўзбекистон деган жаннатмакон юртининг фарзандларимиз. Бизнинг – шу табарруқ заминда яшаётган ҳар бир миллат вакиллариининг ўтмишимиз ҳам, бугунги тақдиримиз ва келажакимиз ҳам бир. Бизни улуғ ва муштарак мақсад бирлаштиради. У ҳам бўлса, юртимиз тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигидир.

Мана шу эзгу ният йўлида ҳалол меҳнат қилаётган ҳар бир юртдошимиз Ўзбекистонда ўзининг бахту саодатини албатта топади. Бунинг учун давлатимиз, жамиятимиз бор куч ва имкониятларини сафарбар этади.

Сизларни Халқлар дўстлиги куни билан яна бир бор самимий табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик ва файзу барака тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Президент Шавкат Мирзиёев 29 июль куни Юқори Чирчиқ туманидаги “Astrum” IT академиясига ташриф буюриб, ахборот технологиялари соҳаси мутахассислари ва ёшлар билан учрашди.

ПРЕЗИДЕНТ IT МУТАХАССИСЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛДИ



Дунёда ахборот технологиялари шиддат билан ривожланмоқда. Жаҳонда унинг ўсиш суръатлари йилига 10 фоизни ташкил этиб, бу йил жами 4 триллион 300 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

Ушбу бозорда мустахкам ўрин эгаллаш учун мамлакатимизда катта ишлар бошланган. Сўнгги беш йилда соҳага 2 миллиард доллар, шу жумладан, 700 миллион доллар тўғридан-тўғри инвестициялар йўналтирилган.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барча ҳудудларда IT-парклар очилиб, улар учун алоҳида солиқ режими жорий этилди. Бу орқали 14 минг нафар ёшлар юқори даромадли иш билан таъминланди. Бундан ташқари, ўзини ўзи банд қилган IT мутахассислар сони йил бошидан 2,5 баробарга ўсиб, 43 минг нафарга етди. Энг асосийси, IT касбларни эгаллаш ёшлар

ўртасида трендга айланди. Мактаб, лицей, коллеж, техникум ва университетларда “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг ўзида мамлакатимизда 134 та янги, жумладан, 50 та хорижий IT компаниялар ташкил этилди, экспортёр корхоналар сони эса 2 баробарга ошди. Хизматлар ҳажми ва тури ҳам кўпайди.

Соҳа учун инфратузилма яратилиб, сифат яхшилаётгани бунда муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, сўнгги уч йилда мобил интернет нархи 9 баробарга арзонлашди. Мамлакатимиз бу борадаги халқро рейтингда 68-ўриндан 15-ўринга кўтарилди.

– Келгуси беш йилда мамлакатимизда ахборот технологиялари хизматлари экспортини 1 миллиард долларга етказишни режа қилганмиз. Агар ёшларни бу касбга ўқитишни тўғри йўлга қўйсақ, уларни сифатли инфратузилма, компьютер ва кафолатли буюртма билан таъминласак, бу маррага бемалол эришамиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

(Давоми 2-саҳифада)

РАҒБАТ – ЁШЛАРГА ЭНГ ЯХШИ ТАЯНЧ

Юртимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг орзу-интилишларини рўйбга чиқариш, муносиб таълим-тарбия олиши ҳамда Ватан тараққиётига ҳисса қўшадиган баркамол шахс бўлиб калмоғга етишни таъминлаш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Эътибор

Айниқса, Президентимиз қарори билан таъсис этилган маҳалла фуқаролари йиғинларидаги ёшлар етакчиси лавозимида фаолият юритаётган ташаббускор йигит ва қизлар ўз ҳудудларида ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга оширишда фаол иштирок этиб келмоқда. Шундай ёшлар ва уларнинг ота-оналари вилоят мутасаддилари томонидан рағбатлантириб боришмоқда.

Жумладан, Нурафшон шаҳридаги тўртта



маҳалла фаол ёшлар етакчиларининг ота-оналариغا Тошкент вилояти ҳокимининг ташаккурномаси топширилди.

Ўз навбатида, фаол етакчилар бундай эътибордан хурсанд эканликларини таъкидлаб, вилоят ҳокимига самимий миннатдорлик билдиришди.

Янгилаштириш одимлари

ОИЛА РОЗИ БЎЛСА, ЖАМИЯТ РОЗИ БЎЛАДИ



Конституция халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси бўлиб, фуқаролик жамияти ҳамда давлат органлари фаолиятининг қонуний кафолатларини таъминлашга хизмат қилади. Шу муҳим ақидадан келиб чиқиб мулоҳаза юритадиган бўлсак, давлат ва жамият ҳаётидаги янгилаштиришларга ҳамоҳанг равишда Асосий қонунимизни такомиллаштириб боришни ҳаёт ва давр талаби дейиш мумкин.

2

ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

ЎРТА ЧИРЧИҚ тумани ҳокими Ихтиёр Қосимов “Alibaba group” компаниясининг Россиядаги вакилларидан таркиб топган Борис Нейман бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди. Мулоқотда туманда фаолият юритаётган экспортёр ва тадбиркорлик субъектлари билан яқин савдо алоқаларини ўрнатиш масалалари муҳокама қилинди.

ОҚҚҮРҒОН туманидаги “Ишга марҳамат” мономарказида тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказилди. Унда 100 нафарга яқин бизнес эгалари ўзларининг тақдир ва муурожаатлари билан фаол иштирок этишди.

Туман ҳокими мутасадди ташкилот раҳбарларига муурожаатлар кесимида тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берди.

ОЛМАЛИҚ шаҳар ҳокимлиги бошчилигида “Металлургия” маданият саройи ҳовлисида Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ҳамда тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида “Меҳнат ярмаркаси” ташкил этилди. Унда 22 та корхона 3 мингта буюм иш ўринлари билан иштирок этди.

БЎСТОНЛИҚ тумани ҳокими Ж. Аҳмедов маҳаллаларда фаолият юритаётган ёшлар етакчилари билан учрашиб, уларнинг амалга оширган ишлари билан танишди. Тадбир сўнггида ҳар бир маҳаллада ташкил этилаётган янги кутубхоналарга туман ҳокими томонидан 112 турдаги 6 минг 608 донга энг сара китоблар тўплами топширилди.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ тумани ҳокими У. Атемов ташаббуси билан эҳтиёжманд, кам таъминланган оилаларнинг 1 минг 9 нафар фарзандларига тадбиркорлар ҳомийлигида 400 миллион сўм маблағ ажратилиб, мактаб формалари олиб берилди.

ПРЕЗИДЕНТ ИТ МУТАХАССИСЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Давлатимиз раҳбари бунинг учун 4 та масалани ҳал этиш лозимлигини таъкидлади. Биринчиси, интернет камрови ва сифатини кескин ошириш. Чунки ҳозир худудларни тезкор интернет билан қамраб олиш даражаси 70 фоиз атрофида. 118 та қишлоққа интернет ҳам, мобиль алоқа ҳам кириб бормаган.

Иккинчиси, ахборот технологиялари га иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш. Бугунги кунда ёшларнинг "старт" лари атиги 10 миллиард сўм грант ажратилган. Компьютер билан таъминлаш ишлари етарли эмас.

Учинчиси, барча соҳаларда рақамлаштиришни биринчи навбатдаги вазифалар қаторига олиб чиқиш. Бу борада ҳукумат, қатор (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

вазирлик ва компанияларда тизим бор. Лекин Транспорт вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Ветеринария қўмитаси, "Ўзбекистон темир йўллари" ҳамда "Ўзгросурга" компанияларида аҳоли сўст.

Тўртинчи муҳим масала худудларда ёшларни экспорт бозорларига чиқишга кўмаклашидир. Хусусан, хорижий корхоналар ёшларимизга ишонч билдириб, жорий йилнинг ўзида 100 миллион долларлик хизматларга буюртма берган. Лекин маҳаллий корхоналаримиз буюртмалари бундан анча кам.

Йўғилиш очик мулоқот тарзида ўтди. Аввал ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш. Шерматов соҳадаги муаммоларни ва улар юзасидан таклифларини айтди. Учрашув иштирокчилари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Давлатимиз раҳбари мутахассис ва ёшларнинг таклифларини қўллаб-қувватлаб, мутасаддиларга тегишли қарор лойиҳаларини ишлаб чиқишни топширди.

– Бу масалалар – бугунимиз, келажакимиз, айниқса, ёшларимизга муносиб иш ўринлари яратиш учун катта замин, – дея таъкидлади Президент.

Ушбу мулоқот ўтказилган "Аstrum" IT академиясида юзлаб ёшлар замонавий дастурлаш кўникмаларини эгаллаб, ўқиш давомидеяқ даромад топмоқда. Давлатимиз раҳбари бундай масканларни бошқа худудларда ҳам ташкил қилиш зарурлигини айтиб, бу борадаги ташаббуслар ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни билдирди.

Видеоселектор орқали вилоят ҳокимлари, худудлардаги мутахассислар билан ҳам мулоқот қилинди.

ЎЗА

“Тошкент ҳақиқати” йўқлови

Телефон жиринглади. Об-ҳавога ўхшаб иш қайнаб ётган бир пайтда... Аммо кўнгирак қилаётган Ражаббой ака Багиров – Бекободдан! Бу кўнгирак жавоб қилмас бўлмади. Ахир у чакана одам эмас: саксон ёшли мухбир! Музтар қилиш одобдан эмас...

– Алло! Қисқача салом-алиқдан сўнг Ражаббой ака оҳиста "ҳисобот"ини бошлади. Хонага ҳозиргина кириб келган шекилли, хансираши эшитилиб турибди:

чи, бир пайтлар Бекобод тумани нашрини ўн йил бошқариб, тиражини икки мингдан етти мингга кўтариб берган тажрибали муҳаррир. Асли Бухоронинг Когон туманидан. Шу туманда 1942 йил 31 июлда туғилган. Ота-онаси Когон вагон депосида ишчи бўлишган. Улар 1948 йилда Бекобод туманидаги солиқ Дзержинский номи колхозга кўчиб келишган.

Ражаббой ака меҳнат фаолиятини Бекобод тумани кинолаштириш идорасида ҳайдовчи

дастёрлигидан завқланди. Устоз билан факултета танишганимиз. Биз бир гуруҳ ижодкорлар Оҳангарон тумани икромўмининг солиқ раиси, кадрдонимиз Юнусали ака Қўлдошевнинг хонадонида тўпланиб қолгандик. Ушанда, янгиш-масам, 2018 йилнинг ёз пайти эди. Ражаббой ака дастурхон четида турган "Улуғ йўл" газетасини қўлига олди, эринмай узоқ варақлаб, кейин қизиқиб қолди. Бу ёғи тез кетди. Кўп ўтмай мақолаларини жўнатди,

САКСОН ЁШЛИ МУХБИР

– Газеталарнинг ҳаммасини тарқатиб келдим. Прокуроргаям бердим. Мақоласини кўриб, жуда хурсанд бўлди. Ҳокимликка кириб, матбуот котиби Мирқомил билан яна учрашдим. Жуда бамаъни йигит. Умридан баракка топсин, шаҳар янгиликларини битта қолдирмай етказиб турибди. Очиклик бўлсин, дейди-да. Ижодий ҳамкорлигини давом эттирамиз, деяпти. Обунгаям кўмаклашадиган бўлди.

Шундан кейин Ражаббой ака "харшаси"ни бошлади: – Қизларингизга (таҳририят ходимлари)га айтинг, бу ойнанинг йўл ҳақини жўнатишмади! Жўнаттириб юборинг. Йўлқира ошиб кетди. Бекобод марказига беш минг, шаҳар ичида бир метр юрсанг ҳам, 1 км. юрсанг ҳам – уч минг!

Шундан сўнг Ражаббой ака газетани таҳлил қила кетади:

– Биринчи бетга берилган "Анрен ҳокимининг хизмат машинаси йўқми?" мақоласи зўр қилибди. Унда шаҳар муаммолари яхши ёритилган, энг асосийси, ҳокимни қўйнаётган масалалар мисоллар билан чуқур очиб берилибди. Мен ҳажимдаги мақолани сал ошириб юборибсизлар. Газетада имло хатолар бор. Расмий материаллар кўп. Уларнинг ўрнига "Лафз ўлпаяти, ўзбегим, лафз!", "Бугуннинг бозори"га ўхшаган мақолаларни кўпайтириш керак. Ўқувчини ўйлантирадиган мавзулардан, ибратли хикоялардан босавериш керак. Скандорни тўхтатманлар. Скандор чарчаган асабларга дам беради, ақлни чарчлайди...

Ражаббой ака эски газетани таҳлил қила кетади: "Биринчи бетга берилган "Анрен ҳокимининг хизмат машинаси йўқми?" мақоласи зўр қилибди. Унда шаҳар муаммолари яхши ёритилган, энг асосийси, ҳокимни қўйнаётган масалалар мисоллар билан чуқур очиб берилибди. Мен ҳажимдаги мақолани сал ошириб юборибсизлар. Газетада имло хатолар бор. Расмий материаллар кўп. Уларнинг ўрнига "Лафз ўлпаяти, ўзбегим, лафз!", "Бугуннинг бозори"га ўхшаган мақолаларни кўпайтириш керак. Ўқувчини ўйлантирадиган мавзулардан, ибратли хикоялардан босавериш керак. Скандорни тўхтатманлар. Скандор чарчаган асабларга дам беради, ақлни чарчлайди..."

киномеханикликдан бошлаган экан. 1968-1971 йилларда шу ташкилотга директорлик қилди. Кейинчалик Ўзбекистон радиосининг маҳаллий эшиттиришлар Бош бошқармасида Бекобод тумани бўйича бошловчи муҳаррир, туман "Коммунист" газетаси редактори лавозимларида самарали фаолият кўрсатган. Аммо ташкилотчилиги учунми, туманда қандай янги корхона тузилса, Ражаббой акани ўша ерга раҳбар қилиб ўтказаверишди.

Туман газетасидан уни янги очилган "Хушёрлик" жамиятига раҳбар қилиб юборишган. Сўнг туман Маънавият ва маърифат бўлимига, ундан сўнг саёхат бюроси, "Ўзавторанс" АК Тошкент вилояти "Йўловчи" сўғурта бошқармасига...

Ражаббой Багиров ҳар янги жойда одатдан ташқари кўтаринки руҳда энг шимариб ишлаб, барчасининг фаолиятини намунали йўлга қўйиб берган ва кейин ўрнини ёшларга топшириб кетаверган. Бироқ қайси соҳада ишлаганми, қўлидан бир дам қаламини қўйгани йўқ. Ҳамиша ижод билан банд бўлган. Орада қатор шеърый ва насрий китоблари чоп этилди. Сўнгги йилларда ёзаётган қатор публицистик мақолалари ҳам ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ражаббой ака каттаю-кичикни бирдай кўрадиган ва муомала қиладиган дарёдил одам.

Билими, дунёқараш кенг, аммо кўнгли ҳамиша ёш. Хўллас, кексалликни тан олмайди. Қизиги, шу ёшида ҳам газета ишидан безмаган, аксинча, газета



кейин мухбирликка рози бўлган. Маҳаллий газеталарда мухбир қилиб қаҳат бўлиб қолган бир пайтда бу тахририят учун айна мўддао эди.

Одатда ёши катта одамлар замонавий телефони тушушмай, ундан фойдаланишни олифтарчиликка йўйиб, осонгина кутулмоқчи бўлишди. Ражаббой ака бундайлардан эмас, у аллақачон сенсорли ақли телефон харид қилиб, функцияларини эринмай ўрганиб олган. Ҳар бир мақоласини ўша муштдай телефони тахририятлар қаердан топади?

Шоир ва ёзувчи, журналист Ражаббой Багиров 80 ёшга тўлди. Фурсатдан фойдаланиб, устозни табаррук айёми билан самимий муборакбод этамиз. Юрагингизда саксон йилдан буён ловуллаб турган илҳом алангаси сўнмасин, Ражаббой ака!

Неъмат ДУШАЕВ, "Улуғ йўл" газетаси муассиси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ОИЛА РОЗИ БЎЛСА, ЖАМИЯТ РОЗИ БЎЛАДИ

мага айланади. Қолаверса, янгилаётган Конституция халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустақкам ҳуқуқий асослар қафолати эканлиги тобора равшан бўлиб бормоқда.

Жойларда ўтаётган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамаларида ҳам бу масалаларга алоҳида эътибор қаратилаётгани негизда халқпарвар давлат барпо этиш бугунги кундаги энг долзарб масалалардан бири эканлиги айтилмоқда.

Бугун ҳаётимизда содир бўлаётган ўзгаришлар шукҳунини сезмаслик, уни юрак-юрақдан ҳис этмаслик асло мумкин эмас. Албатта, биз қонун устувор бўлган давлатда яшашни истаймиз. Зеро, янги ва ҳаётий эҳтиёжни ўзида мўжассам этган ислохотларни амалга ошириш учун ҳуқуқий асос ҳам яратмоғимиз зарур. Шу жиҳатдан олганда, (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

аввало, она сифатида, қолаверса, шифокор сифатида айтишим мумкинки, ҳар бир инсон фарзандлари камолини, ёруғ келажакни кўришни ва унда яшашга қафолатланган ҳуқуқий асослар бўлишини истайди. Юрти-мизда амалга оширилаётган ислохотларда, энг аввало, мўътабар оналар, опа-сингилларимиз учун муносиб турмуш шароитлари яратиш, уларнинг ижтимоий ҳимояси, уй-

Шунингдек, жорий йил 1 июндан ҳар бир вилоятда мономарказлар, олий ўқув юртлари марказида малакани баҳолаш марказлари ташкил этилди. Бу марказлар орқали жорий йилнинг ўзида 30 минг нафар хотин-қизларни ўқитиш режалаштирилган. Бундан ташқари, 20 минг нафар қизни IT технологиялари бўйича ўқитиш, нодавлат-нотижорат ташкилотларига эса қишлоқ жойлардаги аёлларни касбга ўқитиш, тадбиркорликка жалб этиш ва иш билан таъминлаш лойиҳаларини амалга ошириши учун 2 миллиард сўмгача грантлар ажратилиши белгиланган.

Конституциямизга киритилаётган оилаларни янада мустақамлашга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳам кўпчилиكنинг диққат марказида бўлиб турибди. "Никоҳ аёл ва эркекнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлигига асосланади" дейилишининг ўзи ҳам муҳим ижтимоий аҳамиятга молик бўлиб, халқимизнинг миллий-ахлоқий қадриятларидан келиб чиққанлигининг яққол далилидир. Бугунги глобаллашув жараёнида "оммавий маданият" номи билан ҳаётимизга кириб келаётган ёт унсурларнинг олдини олишда бу муҳим аҳамият касб этади.

Муҳтасар айтганда, шу кунларда кенг жамоатчилик ва халқимиз томонидан қизгин муҳокама қилинаётган Конституциявий қонун лойиҳаси ижтимоий-сёсий ҳаётимиз, кундалик турмушимизда амалга ошириш лозим бўлган муҳим ва долзарб масалаларни қамраб олганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Фарида АКБАРОВА, "Бўстон" сийҳатгоҳи бош шифокори

Эълонлар

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш шаклидаги очик аукцион савдоларига таклиф этади!

"O'ZBEKKIYOMASH ZAVODI" АЖнинг 29.07.2022 йилдаги №45/547-сонли буюртманомасига асосан, баландида бўлган Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Хондойлик ҚФЙ да жойлашган умумий ер майдони 9,2 гектар, қурилиш ости майдони 5259,39 кв.м. ва умумий фойла-ниш майдони 2696,28 кв.м. бўлган "Хумо" дам олиш мажмуаси" аукцион савдосига қўйилмоқда, бошлангич баҳоси – 28 337 650 000 сўм.

Аукцион савдоси 2022 йил 30 август куни соат 11:00 да Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Менделеев кўчаси, 8-уйда бўлиб ўтади. Мазкур объект шу куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолар объект сотилгунига қадар ҳафтанинг ҳар пайшанба кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар "Закалат пули тўғрисидаги келишувни" имзолагандан сўнг объект бошлангич баҳосининг 2 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ва Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМС) га мувофиқ талабгорлар томонидан 1 000 000 сўм кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизмати кўрсатиш тўғрисидаги шартномага асосан "TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖнинг "Ипак йўли" АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиалидаги

20208000804876496001 ҳисоб рақамига, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808 тўлашлари лозим. Харидор (аукцион ғолиби) 20 кун муддат ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаши лозим. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қўйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: – юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

Талабгорлардан буюртманомалар эълон чиққан кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ш. Руставели кўчаси 68-А уй манзилида қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар realtorservice@mail.ru. электрон почта ёки (78)147-40-00 телефони орқали мурожаат қилишлари мумкин. **Хизматлар лицензияланган RR – №0008.**

ДИҚҚАТ! Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси сотиладиган давлат активлари бўйича электрон онлайн аукцион (www.e-auksion.uz) савдоларига таклиф этади.

№	Давлат активининг номи	Объект манзили	Балансда сақловчи	Таклиф этилаётган шартлар	
				Жамиятга қарашли актив ташкил этиладиган мажбурий фаолият тури (мавжуд бўлса)	Давлат активининг бошлангич нархи (сўм)
1	Бўш турган нотуражой биноси	Бекобод шаҳри, Булоқариқ МФЙ, Шаҳриобод кўчаси, 3-уй	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	Тадбиркорлик фаолияти бўйича	38 923 277,00
2	Нотуражой (қурилиши тугалланмаган) биноси	Олмалик шаҳри, Интизор кўчаси, 9-уй	Олмалик шаҳар ҳокимлиги	Тадбиркорлик фаолияти бўйича	450 906 467,00
3	Бўш турган нотуражой биноси	Бекобод шаҳри, Булоқариқ МФЙ, Шаҳриобод кўчаси	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	Тадбиркорлик фаолияти бўйича	515 318 705,00
4	«АННОR COMPANY» МЧЖнинг 3,93 фоиз давлат улуши	Ўрта Чирчиқ тумани, Паркент тракт кўчаси, 15-уй	Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси	Тадбиркорлик фаолияти бўйича	196 552 507,00
5	Собиқ ҳаммом ва кир ювиш биноси	Чирчиқ шаҳри, Маданият МФЙ, Маданият кўчаси	Чирчиқ шаҳар «Хусусийлаштиришга кўмаклашиш маркази» ДК	Тадбиркорлик фаолияти бўйича	2 044 422 155,00
6	Нотуражой (контейнерли юкларни орбит тушириш майдони ва ошхона) биноси	Оҳангарон тумани, Марказий кўрғон МФЙ ҳудуди 1-участка	Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази	Тадбиркорлик фаолияти бўйича	14 507 339 719,26
7	«Nurafshon Avtotrans Servis» МЧЖнинг 100 фоиз давлат улуши	Ўрта Чирчиқ тумани, Қумовул МФЙ, Бектемир маҳалласи, Бек шох кўчаси, 189-уй	Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси	Тадбиркорлик фаолияти бўйича	530 996 600,00
8	Нотуражой (2-қаватли маъмурий) бино ва иншоотлари	Чиноз тумани, Олмазор ШФЙ, Нафис МФЙ, Самарқанд кўчаси, 3-уй	Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази	Тадбиркорлик фаолияти бўйича	986 265 355,00
9	Нотуражой (собиқ маъмурий би-нонинг 2-қавати)	Бекобод шаҳри, Истиклол кўчаси, 16-уй	Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази	Тадбиркорлик фаолияти бўйича	672 910 420,00
10	Нотуражой (СПТУ) бино ва иншоотлари	Чирчиқ шаҳри, Наврўз МФЙ, 4-кичик ноҳия, Ф. Хўжаев кўчаси	Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази	Тадбиркорлик фаолияти бўйича	2 384 196 199,00
11	Нотуражой биноси	Ангрэн шаҳри, Бўстон МФЙ, 31-даҳа, 2-уй	Ангрэн шаҳар ҳокимлиги	Тадбиркорлик фаолияти бўйича	410 634 178,00

Электрон онлайн-аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади. Электрон онлайн-аукцион савдолари 2022 йил 4 августдан бошлаб объектнинг жойлаштирилиши кунига қараб

хар 10 кун муддатда соат 9:00 дан 18:00 гача ўтказилади. Савдоларда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни www.e-auksion.uz сайтлари орқали олиш мумкин. Мурожаат учун манзил: 111515, Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 45-уй.

Маълумот учун телефонлар: (95) 411-40-10, (95) 411-40-20. **E-mail:** toshvil@davaktiv.uz **Интернет тармоғидаги веб-сайт:** www.davaktiv.uz, www.toshvil.uz **Хурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!** Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларини

гиз бузилган тақдирда Давлат активларини бошқариш агентлиги (71) 259-21-37 ёки Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (99) 616-91-93 рақамли Ишонч телефонларига зудлик билан хабар беришингиз сўралади. **Савдоларга марҳамат қилинг!**

Тошкент вилояти ҳудудидаги шаҳар, шаҳар атрофи ва вилоятлар ичидаги шаҳарлараро йўналишларни бириктириш бўйича электрон тарзда 2022 йил 29 август соат 14:00 да ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ.

№	Йўналиш рақами	Йўналиш номи	Йўналиш тури
ШАҲАР ИЧИ ЙЎНАЛИШЛАРИ			
1.	Ши-1 й.т.	"5/1 кичик ноҳия – Қалмоққир станцияси"	йўналишли такси
2.	Ши-2 й.т.	"Ангрен АШБ – Самарчук маҳалласи"	йўналишли такси
3.	Ши-4 й.т.	"Янги маҳалла – Оҳангарон шаҳри – 5-мактаб"	йўналишли такси
4.	Ши-5 й.т.	"5/5 даҳаси – Чинобод маҳалласи"	йўналишли такси
5.	Ши-28 й.т.	"Депо – Металлург кўчаси"	йўналишли такси
6.	Ши-28 й.т.	"У.Носир маҳалласи – Бўстон маҳалласи (ДСК)"	йўналишли такси
7.	Ши-29 й.т.	"УАТ (7/1 кичик ноҳия) орқали – Бўстон маҳалласи"	йўналишли такси
8.	Ши-33 й.т.	"Суд тиббиёт экспертизаси – ОТМК профилакторияси"	йўналишли такси
9.	Ши-36 й.т.	"Ёрдам маҳалласи – Марказий бозор"	йўналишли такси
ШАҲАР АТРОФИ ЙЎНАЛИШЛАРИ			
10.	ВХ-202	"Паркент АШБ – Дала ҳовли – Қўйлиқ кийим бозори"	автобус
11.	ВХ-323	"Ангрен деҳқон бозори-Увак маҳалласи"	автобус
12.	ВХ-333	"Олмалиқ АШБ – Пискент АШБ"	автобус
13.	ВХ-376	Янгибозор АШБ – Қўйлиқ кийим бозори	автобус
14.	ВХ-383	"Паркент АШБ – Машинасозлар АШБ"	автобус
15.	ВХ-444	"Тошовул қишлоғи – Қўйлиқ деҳқон бозори"	автобус
16.	Битта пакет билан:		
	ВХ-238	"Туркистон ф/у – Чорсу савдо маркази – Гулобод кўчаси АШБ"	автобус
	ВХ-471	"Бўзсув қ.ф.й. – Бобур маҳалласи – Жанубий вокзал АШБ"	автобус
	ВХ-238 й.т.	"Туркистон ф/у – Чорсу савдо маркази – Гулобод кўчаси АШБ"	йўналишли такси
	ВХ-474 й.т.	"Туркистон-15 – Чорсу савдо бозори" (Наманган маҳалла орқали)	йўналишли такси
17.	ВХ-227 й.т.	"Янгийўл шаҳар бозори – Янгийўл ф/у 3-бўлим"	йўналишли такси
18.	ВХ-230 й.т.	"Янгийўл АШБ – Эпкенди қишлоғи"	йўналишли такси
19.	ВХ-236 й.т.	"Халқобод кўрғони – Чилонзор буюм бозори"	йўналишли такси
20.	ВХ-249 й.т.	"Бўка АШБ – Олмалиқ АШБ (Муротали орқали)"	йўналишли такси
21.	ВХ-255 й.т.	"Бўка АШБ – Олмалиқ АШБ (Мингтепа орқали)"	йўналишли такси
22.	ВХ-260 й.т.	"Янгийўл АШБ – Беруний ф/у (Нурбой ота)"	йўналишли такси
23.	ВХ-280 й.т.	"Янгийўл шаҳар бозори – Х.Турсункулов ф/у"	йўналишли такси
24.	ВХ-295 й.т.	"Янгийўл шаҳар деҳқон бозори – Кескен қишлоғи"	йўналишли такси
25.	ВХ-315 й.т.	"Алимкент кўрғони – Бўка деҳқон бозори" (Ўзбекистон ф/у орқали)	йўналишли такси
26.	ВХ-316 й.т.	"Бўка АШБ – Гулистон ф.у." (Кўкорол орқали)	йўналишли такси
27.	ВХ-317 й.т.	"Бўка АШБ – Қашқадарё ф.у." (Т.Ражабов орқали)"	йўналишли такси
28.	ВХ-333 й.т.	"Олмалиқ АШБ – Пискент АШБ"	йўналишли такси
29.	ВХ-338 й.т.	"Чувилдоқ қишлоғи – Ангрен деҳқон бозори"	йўналишли такси
30.	ВХ-342 й.т.	"Санам қишлоғи – Ангрен деҳқон бозори"	йўналишли такси
31.	ВХ-343 й.т.	"Олмалиқ АШБ – Жар қишлоғи"	йўналишли такси
32.	ВХ-345 й.т.	"Нурафшон АШБ – Кучлик кўрғони – Аранчи МФЙ"	йўналишли такси
33.	ВХ-351 й.т.	"Ангрен деҳқон бозори – С.Раҳимов ф.у."	йўналишли такси
34.	ВХ-365 й.т.	"Назаровул" м.ф.й. – Қўйлиқ деҳқон бозори"	йўналишли такси
35.	ВХ-366 й.т.	"Янгибозор АШБ – Буюк Ипак йўли м.б."	йўналишли такси
36.	ВХ-367 й.т.	"Янгибозор АШБ – Қўйлиқ кийим бозори"	йўналишли такси
37.	ВХ-370 й.т.	"Янгибозор АШБ – Кавардон қишлоғи"	йўналишли такси
38.	ВХ-375 й.т.	"Янгибозор АШБ – Паркент АШБ"	йўналишли такси
39.	ВХ-380 й.т.	"Дала ҳовли бекати – Буюк Ипак йўли м.б."	йўналишли такси
40.	ВХ-386 й.т.	"Янгибозор АШБ – У.Юсулов маҳалласи"(Айланма)	йўналишли такси
41.	ВХ-472 й.т.	"ТошМИ-2 бекати – Қўёшли бозори"	йўналишли такси
42.	ВХ-475 й.т.	"Гишткўприк маҳалласи – Юнусобод АШБ 9-даҳа"	йўналишли такси
43.	ВХ-478 й.т.	"Кенсой қишлоғи – Юнусобод бозори"	йўналишли такси
44.	ВХ-482 й.т.	"Келес шаҳарчаси – Чорсу бозори – Беруний АШБ"	йўналишли такси
45.	ВХ-492 й.т.	"Янгибозор АШБ – Чингелди қишлоғи – ТТЗ бозори"	йўналишли такси
46.	ВХ-493 й.т.	"Гулистон маҳалласи – Қибрай АШБ"	йўналишли такси
47.	ВХ-495 й.т.	"Тузель қишлоғи – Чкалов номли ТАИЧБ шифохонаси"	йўналишли такси
48.	ВХ-499 й.т.	"Чингелди қишлоғи – ТТЗ АШБ – Наврўз бозори"	йўналишли такси
49.	ВХ-504 й.т.	"Чирчиқ АШБ – Ғазалкент АШБ (Бараж орқали)"	йўналишли такси
50.	ВХ-505 й.т.	"Чирчиқ АШБ – Хўжақўрғон қишлоғи"	йўналишли такси

51.	ВХ-508 й.т.	"Қибрай туғуруқхонаси – Крупский кўрғони"	йўналишли такси
52.	ВХ-511 й.т.	"Қибрай ф/у – 2-бўлим – Қадирлик маҳалласи – ТТЗ АШБ"	йўналишли такси
53.	ВХ-513 й.т.	"Тараққий қишлоғи – ТошДАД"	йўналишли такси
54.	ВХ-516 й.т.	"Қибрай АШБ – Май қишлоғи"	йўналишли такси
55.	ВХ-518 й.т.	"Май қишлоғи – ТошДАУ"	йўналишли такси
56.	ВХ-520 й.т.	"Қибрай АШБ – Юнусобод (Универсам бекати)"	йўналишли такси
57.	ВХ-526 й.т.	"Чирчиқ АШБ – Абай қишлоғи"	йўналишли такси
58.	ВХ-534 й.т.	"Гулистон маҳалласи (Саидота қабристони) – Юнусобод деҳқон бозори"	йўналишли такси
59.	ВХ-540 й.т.	"Қўшқўрғон қишлоғи – Чирчиқ АШБ"	йўналишли такси
60.	ВХ-545 й.т.	"Ғазалкент АШБ – Абай қишлоғи"	йўналишли такси
61.	ВХ-556 й.т.	"Қипчоқ МФЙ – Қибрай туғуруқхонаси – ТТЗ АШБ (Наврўз бозори орқали)"	йўналишли такси
62.	ВХ-562 й.т.	"Қодира маҳалласи – ТТЗ АШБ (Ширин бозори орқали)"	йўналишли такси
63.	ВХ-563 й.т.	"Қибрай АШБ – СамПИ бекати (Яланғоч мавзеси)"	йўналишли такси
64.	ВХ-571 й.т.	"Чирчиқ АШБ – ТТЗ АШБ (Наврўз бозори орқали)"	йўналишли такси
65.	ВХ-583 й.т.	"Чиноз шаҳри – Йўл тушган маҳалласи – Чиноз пахта заводи"	йўналишли такси
66.	ВХ-584 й.т.	"Чиноз – Олмазор кўрғони"	йўналишли такси
67.	ВХ-586 й.т.	"Чиноз деҳқон бозори – Яллама қишлоғи"	йўналишли такси
68.	ВХ-604 й.т.	"Оққўрғон АШБ – С.Сегизбоев ф/у"	йўналишли такси
69.	ВХ-605 й.т.	"Оққўрғон АШБ – Қайирма маҳалласи"	йўналишли такси
70.	ВХ-609 й.т.	"Янгибозор АШБ – Бўстон қишлоғи"	йўналишли такси
71.	ВХ-625 й.т.	"Номданак – Жумабозор – Қўйлиқ кийим бозори"	йўналишли такси
72.	ВХ-628 й.т.	"Оҳангарон тиббиёт бирлашмаси – Оҳангарон шакар заводи"	йўналишли такси
73.	ВХ-633 й.т.	"Соҳибкор" м.ф.й. (Тотувлик кўчаси) – Қибрай марказий шифохонаси – ТошДАУ"	йўналишли такси
74.	ВХ-652 й.т.	"Гулзор" м.ф.й. – Юнусобод деҳқон бозори"	йўналишли такси
75.	ВХ-666 й.т.	"А.Навоий ф/у – Фарҳод деҳқон бозори"	йўналишли такси
76.	ВХ-676 й.т.	"Бурота ф/у – ТТЗ (Ширин бозор)"	йўналишли такси
77.	ВХ-693 й.т.	"Дўстлик – МФЙ Ҳақиқат қишлоғи – Янгийўл деҳқон бозори"	йўналишли такси
78.	ВХ-709 й.т.	"Файз маҳалласи – Олмазор метро бекати"	йўналишли такси



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 декабрдаги "Автомобиль транспортда йўловчи ташиш йўналишлари бўйича очик тендерларни электрон тарзда ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 738-сонли қарори талабларига мувофиқ шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар ташиш йўналишларини бириктириш юзасидан очик тендерлар фақат электрон ахборот тизими орқали ўтказилади. Тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, тегишли равишда автомобиль транспортда шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар ташувларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган ҳамда электрон ахборот тизимида рўйхатдан ўтган юридик

шахсларнинг қатнашишига йўл қўйилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 декабрдаги 738-сонли қарори билан тасдиқланган "Шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ичида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлараро) ва халқаро йўналишларни бириктириш бўйича очик тендерларни электрон тарзда ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ"та мувофиқ;
– Тендерда қатнашиш учун таклифлар талабгорлар томонидан ахборот тизими (e-tender.uztrans.uz) орқали тақдим этилади;
– Айнан битта автотранспорт воситаси бир вақтнинг ўзида бир неча тугалланмаган лотларга ҳамда

амалдаги шартномага мувофиқ йўналишга бириктирилган автотранспорт воситаларининг тендер таклифи сифатида ахборот тизимига киритилишига йўл қўйилмайди (шартноманинг амал қилиш муддати туғашига олтиш ва ундан кам кун қолганида мазкур шартномада кўрсатилган автотранспортларнинг ахборот тизимига киритилишига йўл қўйилмайди).
Талабгор тендер таклифларини тақдим этиши учун тендерни ташкил этиш, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида эълон бериш харажатларини қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 фоизи миқдориди тўловни Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳисоб рақамига (АТБ "Ипотека банк" Чилонзор бўлими, х/р: 4014108604262773422967279, банк коди 00997, СТИР: 202811527) ўтказиб, 2022

йил 28 август соат 14:00 гача ўз тендер таклифларини ахборот тизими (e-tender.uztrans.uz) орқали тақдим этиш шарт.
Тендер таклифлари белгиланган муддат якунланганидан кейин қабул қилинмайди ҳамда тендер таклифлари тақдим этилганидан кейин қатнашчилар уларга тузатиш киритиш ҳуқуқига эга эмас.
Қатнашчилардан тендер бўйича келиб тушган таклифлар ахборот тизими орқали автоматик тарзда баҳоланади.
Тендерни ташкиллаштириш бўйича ваколатли орган: Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Тошкент вилояти транспорт бошқармаси.
Маълумот учун телефон: (+99871) 202-05-00(213).

Кейинги йилларда қай бир "билмидон" тилимизни ўринсиз тафтиш қилишга тушиб: "Фуқаро" сўзи "гражданин" сўзининг маъносини ифодаламайди, у мутлақо хато қўлланяпти. Чунки "фуқаро" сўзи "камбагал" деган маънони билдиради. Нима, мамлакатимиз ахлини "камбагал" деймизми? – деб тоза бонг урди.

Шундан кейин филолог сифатида каминга ҳам кўп кишилардан мурожаатлар бўлди. Бир гал раҳматли Рустам Қосимов шу масалада фикрини сўрадилар. Ушанда камини Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари ўринбосари, у киши эса Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – Республика Маънавият ва маърифат кенгаши раиси эдилар.

– Йўқ, – дегандим ўшанда, – "фуқаро" сўзи жуда жойига тушган. Тўғри, шўро даврига қадар миллий давлатчилигимизда ҳозирги тушунчадаги фуқаро тизими (институт) бўлмаган. Шунинг учун бу тушунча расман тилимизга русчадан кириб келган "гражданин" сўзи билан ифодаланган.

Тагини суриштирсангиз, бу русчада "шаҳарлик" ("горожанин" – "гражданин/гражданин" – "гражданин") деган сўздан келиб чиққан. Шунга кўра бўлса керак, Тожикистон Республикасида бу сўз "шаҳрвон" калимаси билан ифодаланган. Аслини олганда, бу ҳам "шаҳарликлар" деган маънодан келиб чиққан. "Фуқаро" сўзига ёпишганларга қўйиб берсангиз, бунга ҳам: "Мамлакат фуқароларининг ҳаммаси ҳам шаҳарлик эмас, катта қисми қишлоқларда яшайди-ку!" – дейиши мумкин. Ҳолбуки, "шаҳрвон" ҳуқуқий истилоҳга айланганлиги, биздаги "фуқаро" маъносини англатадиган бўлган. "Шаҳарликлар" дейиш керак бўлса, "шаҳриён" ёхуд "шаҳрхо" шакллари қўлланади.

Қозғоiston Республикасида "азамат" сўзига "фуқаро" маъносини ташиш юқлатилган. "Азамат" сўзи аслида, "кучли", "мард", "жасоратли" деган маънони англатади. Қозғо зиддилари: "Ахир, ҳамма фуқаро ҳам

азамат бўлавермайди", – деяётгани йўқ-ку.

Қирғизлар ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларида "гражданин"ни "азамат" дейишгаётган эди. Кейинги йилларда "жаран" сўзи қўлланыпти. Бу – аслида, тожикча "эрон" ("эрлар", "дўстлар") сўзининг қирғизча талаффузга мослашган варианты.

Туркия Республикасида "гражданин" маъносига "ватандош" сўзини ишлатиш маъқул кўрилган.

"гражданин Россия" дейилади.

Таклифнинг охиригача ўйланмай илгари сурилганини қарангки, "бек" эски даврда ҳозирги "ҳоким" маъносини англатган: "Кармана беги", "Қарши беги", "Шаҳрисабз беги" дегандек. Русча "домохозяйка"ни эса ҳозир "уй бекаси" деймиз. Эски замонда "беги" аёлларга нисбатан ҳам ишлатилган: "Хонзодабеги", "Ҳадичабеги"... Бу, қайтаган, тилда кўп-кўп чалқашликларга сабаб бўлмайдими?

Ўзбекистонимизга кириб келган доллар энди ўзимизники ҳисобланади. Унга нима сотиб олиш кераклигини АҚШдан сўраймизми? Йўқ! Масалан, АҚШ долларига ҳеч қачон, масалан, палов, қурут, холвайтар, бешбармоқ сотиб олинмаган бўлиши – мумкин. Лекин сиз, марҳамат, долларингизни ўзбек сўмига алмаштирасиз-да, сотиб олаверасиз. Долларни ишлатиш иштиёри сизга ўтди-ми? Ҳа!

Мунозара

Тилшуноскида "сўзнинг луғавий маъноси" ва "сўзнинг истилоҳий (терминологик) маъноси" деган тушунчалар – бор. Қонуният шундайки, ҳамма вақт ҳам сўзнинг луғавий маъноси билан унинг истилоҳий маъноси бир хил бўлиши шарт эмас. Сўзнинг луғавий маъноси бошқа, истилоҳий маъноси бошқа бўлиши мумкин. "Фуқаро" сўзига эътироз қилганлар шу қайдани ҳисобга олмаган. "Мажлис" сўзи бизга арабчадан кириб келган. Узаги – "жаласа". Лекин бугун арабларнинг ўзига "мажлис" десангиз, улар "йиғилиш"ни эмас, "диван"ни тушунишади. Нима, шунга рўқча қилиб, энди "мажлис" сўзидан ҳам воз кечайликми?! Очиги, бу калиманинг дивани англатишини ўзбекларимиз орасида араб тили мутахассисларидан бошқа ҳеч ким билмайди-ку. Ёки "илож" сўзи ҳам – арабча. Араб тилида у "шифо", "даво" маъносини ифодалайди. У "муолажа" билан бир ўзакдан ясалган. Лекин бизда ҳеч ким: "Бемор илож топди", – демаяди-ку. Чунки биз "илож" сўзига бутунлай бошқа маъно юклаб олганмиз. Қўллаётганимизда унинг касаллик тузалиши билан боғлиқ маъноси ҳеч биримизнинг ёди-хаёлимизда келмайди.

Шукрлар бўлсинки, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги конституциявий қонуни лойиҳасида "фуқаро" сўзи "фуқаро" тарзида қўлдирилди!

Шу тарихида бу ўринсиз баҳсга чек қўйилди, албатта. Бироқ "фуқаро" сўзининг тилимизда бундай ўта муҳим ҳуқуқий тушунча ифодасига келганига қадар босиб ўтган йўлни таҳлил қилиш, биринчидан, унга эътироз борлар учун илмий жавоб бўлади, иккинчидан, яна бундай ўринсиз баҳслар келиб чиқшининг олдини олади.

Султонмурод ОЛИМ, филология фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

"Фуқаро"нинг "айб"и нима?

Қизиқ халқимиз, ғалати феълимиз бор-да. Ўзимиз кўп ҳам бош қотириб утирмаймиз-у, биров бир нарсани кавлаб, айтиб қолса, ўйламай-нетмай, тагини суриштириб утирмай, шу гапга лаққа тушамиз-да, ишониб кетаверамиз.

Биз "гражданин" сўзи ўрнига "шаҳарлик", "азамат", "эрон", "ватандош" калималаридан ҳеч бирини қўллай олмас эдик. Чунки уларнинг ҳар бири тилимизда айри-айри мустақил маъно англатади-да.

Кимдир "гражданин" ўрнига "бек" ва "гражданин" ўрнига "бека"ни қўллашни таклиф қилди. Бачкана, асосси, охиригача ўйлаб кўрилмаган бир фикр – бу. Биринчидан, туркий тилда жинс (род) – йўқ. Иккинчидан, бундай ўта муҳим ҳуқуқий тушунчани икки шаклда қабул қилишга нима ҳожат – бор? Учинчидан, "Ўзбекистон фуқаролари" тушунчасини ифодалаш керак бўлса, "Ўзбекистон беклари" деймизми ёки "Ўзбекистон беклари" деймизми? Рус тилида род борлиги учун "гражданин" ва "гражданин" сўзлари – мавжуд. Лекин "гражданин" деган умумлаштирувчи кўплик шакли ҳам – бор-да. "Россия фуқаролари" дейиш керак бўлса,

Кимдир турклардаги "ватандош"ни ишлатишни таклиф қилди. Ҳатто, айрим шовша-шошар зиёлилар нутқида, Конституциямизга мутлақо зид равишда, "фуқаролар" маъносига "ватандошлар" сўзи ишлатила бошлади ҳам. Кимдир қозқоларга таклидан "азамат"ни таклиф қилди. Айримлар, шовшиб-пишиб, буни ҳам қўллашга тушди. Кимдир "ватандош" шаклини ҳам ўйлаб топиб, таклиф қилиб кўрди.

Тилнинг бир "олтин" қонуни шуки, бошқа лисондан ўтган сўз энди ана шу янги тилнинг дахлсиз мулкига айланади. Тил, худди ўз сўзлари-га эгаллик қилгани каби, бу калимга ҳам мутлақ эгаллик қилади. Яъни, уни қандай хоҳласа, шундай ишлатади, унга қандай маъно юкламоқчи бўлса, юклайди.

Бу худди бир давлат пул бирлигининг иккинчи давлатга кириб келишига ўхшайди. Масалан, АҚШнинг



Худди шундай, хорижий лисондан кириб келган сўзни қандай ишлатиш иштиёри ҳам бу тилга ўтади.

Тўғри, "фақр", "фақир", "фуқаро" сўзлари "камбагаллашмоқ" маъносига арабча "фақар" ўзгидан ясалган.

"Фақир" эса "фақрага эга киши"ни билдиради. Арабчада, эски ўзбек тилида ҳам "фақир" деб камбагални айтишган, албатта.

Аммо бу билан чекланмаган. Масалан, Навоий кўпинча ўзини тилга олиши керак бўлганда, "мен" дейишни, мақтанчоқлик бўлади, деб ҳисоблаб, "фақир" деган. Ёки "фақирлардан бири" деб ҳам аксаран ўзини айтган. Бу – айнан "мен" дегани.

Бироқ, келинг, очирок гаплашайлик: буни ҳозирги пайтада мутахассислардан бошқа кимши билладими? Йўқ даражада. Чунки бу сўз аллақачонлар нофаол лексикага айланган улгурган.

Офарин!

БАРАКАЛЛА, АЙИТЖАН!

Ўрта Чирчиқ туманининг "Янгилик" маҳалласида истиқомат қилувчи Айтжан Халмаханов жаҳон чемпиони бўлди.

Рим шаҳрида "Юнон-рум" кураши бўйича ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида 51 килограммлик вазн тоифасида иштирок этган Айтжан финалда голлиблики қўлга киритиб, олтин медаль соҳибига айланди.

Чемпион карнай-сурнай садолари остида Тошкент халқаро аэропортида тантанали кутиб олинди.

Эрта тонгдан чемпионнинг ҳонадонига катта шодидона тадбири бошлаб юборилди. Туман ҳокими

бошчилигида бўлиб ўтган табриқлаш маросимида ҳокимлик мутасаддилари, чемпионнинг оила аъзолари ҳамда маҳалла ахли қатнашишди.

Айтжан Халмахановнинг спортга бўлган қизиқиши 1-синфда ўқиб юрган кезлариданоқ бошланган. Унинг иштиёқини сезган онаси ва тоғаси мураббий Равшан Икромовга топширишган.

Айтжан 25-мактабда 6-синфга қадар таҳсил олган. Шундан сўнг мураббийи ундаги қобилият

ва тиришқоқликни кўриб, Чирчиқ Олимпия захиралари коллежининг "Юнон-рум" бўлимида ўқишни тавсия қилди. Ҳозирда чемпион шу коллежининг 10-синф ўқувчиси.

Коллежда Айтжанга Равшан Икромов билан бирга Санжар Мирзаев, Воҳид Темиров, Бахтиёр Муродов, Ихтиёр Ботиров, Алимардон Абдуллаев каби тажрибали мураббийлар устозлик қилишган.

Тадбирда Айтжан Халмаханов ва онаси Нуржамол Аякаевага туман ҳокимлиги томонидан ташаккурнома ва эсдалик совғалари тақдим этилди.



САНЪАТДА САРҲАД ЙЎҚ

Аввал хабар берганимиздек, халқаро "Турксой" ташкилотининг таклифига кўра, Туркия республикасида бўлиб турган Тошкент вилояти ижодий жамоаси ўзининг гастроль концерт дастурларини давом эттирмакда.

Ижодий жамоанинг навбатдаги манзили Туркиянинг Элазеф шаҳри бўлди. Мазкур шаҳардаги икки

кунлик жонли концерт дастури мамлакат телеканаллари орқали тўғридан-тўғри бутун Туркия халқига намоиш этилди.



Яшил чироқ – 2022

"ЁШ НОЗИРЛАР" ФОЛИБ



Бўстонлиқ туманидаги "Оқтош" ёзги болалар оромгоҳида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида "Яшил чироқ

– 2022" кўрик-танловининг Республика босқичи ўтказилди. Мусобақада 12 та вилоят, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республи-

касида 14 та жамоа иштирок этди. Якуний натижаларга кўра, Тошкент вилоятининг "Ёш назирлар" жамоаси фахрли биринчи ўринни қўлга киритди.

СПОРТ янгиликлари

ЧАП ҚЎЛ БИЛАН "НОКАУТ"

Калифорнияда профессионал бокс оқшоми ташкил этилди.

Тошкент вилоятилик боксчи Элнур Абдураимов мексикалик Леонел Моренога (11-3-1,9 КО) қарши рингга кўтарилди.

Жанг вақант бўлиб турган IBF NORTH AMERICAN камари учун ташкил этилди.

10 раундга мўлжалланган жанг 1-раундда-

ёқ якунланди. Баҳснинг 1-дақиқаси тугаётганида Элнур чап қўл кучли зарбаси билан рақибини нокаут қилди. Шундан сўнг Морено жангни давом эттира олмади.

Шу тарихида Элнур фаолиятидаги 10-жангидан ҳам рақибини муддатидан олдин мағлубиятга учратди.

НАВБАТДАГИ ЖАНГ САНАСИ АНИҚ БЎЛДИ

UFCдаги спортчимиз Маҳмуд Мурадов навбатдаги жангин жорий йил 22 октябрь кунини UFC 280 турнири доирасида ўтказишини маълум қилди.

Эслатиб ўтамиз, Мурадов сўнгги бор 2021 йилнинг 29 август санасида Жеральд Мёршартга қарши жанг ўтказган эди.

Ҳозирча ҳамюртимизга ким рақиблик қилиши маълум эмас. Моҳларойим ҚУРБОНОВА тайёрлади

Эълон

Чиноз қурилиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи томонидан 2013 йилда Аширкулов Эркинжон Соҳоб ўғли номига берилган К № 3150829 (рўйхат рақами 228-13) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



TOSHKENT HAQIQATI TASHKENTSKAYA PRAVDA



"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

- Muassis: TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI
Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay'ati raisi)
Ummat MIRZAQULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G'afurjon MUHAMEDOV
Mahmud TOIR
Uskenboy ATEMOV
Salom SAMADOV
Abdulla XURSANOV
Mahmudjon BOLTABOYEV
Ra'no TURDIBOYEVA
Sergey MUTIN
Zarifa ERALIYEVA
Azamat KAMOLOV

Bosh muharrir: G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxonasi: (71) 233-64-95
Bosh muharrir o'rinbosari: (71) 233-70-10
Mas'ul kotib: (71) 233-90-82
Bo'lim muharrirlari: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
E'lonlar va hisob-kitob bo'limi: (71) 233-54-10
e-mail: toshkentaqiqati@umail.uz

Navbatchi muharrir: KUMUSH EGAMBERDIYEVA
Mas'ul kotib: ALLOMA AZIZOVA
Navbatchi: JAVLON HALILOV

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.
Bosishga topshirildi - 23.40
Nashr ko'rsatkichi - 205.
Buyurtma G-735.
3 832 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi.
Qog'oz bichimi A-2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzillimiz: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofsimiz: 100000, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxonasi manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.